



# Жанубий

# ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 3 май, шанба, №47 (3548).

## Президент

*Президент Қозоғистон халқининг бирдамлиги кунин билан табрикларди*

**KAZINFORM.** Бу ҳақда Ақўрданинг матбуот хизмати хабар берди.

«Қадрли ватандошлар! Қозоғистон халқининг бирдамлиги кунин муборак бўлсин! Бу давлатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга байрамдир. Халқимиз умумий қадриятларга асосланган бунёдкорлик мақсадларига эришиш йўлида куч-ғайратини аямай, эртанги кунга ишонч билан олға интилмоқда. Бепоян дийримизда турли миллат вакиллари аҳил-инок, тинч-тотув умрғузaronлик қилмоқда. Бу йил Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганига 30 йил тўлди.

Бу ноёб ташкилот илк кунларданок юртимиздаги тинчлик ва тотувлик тимсолига айланди. Ассамблея фуқароларимизнинг ўзаро ҳурмати ва ҳамжиҳатлиги асосида миллий бирликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, муштарак иродаси туфайли давлатимиз тараққий этиб, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бундан бун ҳам муваффақиятли амалга ошаверади.



Мамлакатимиз тенглик, ўзаро ишонч, маданий хилма-хиллик бунёдкорлик салоҳиятига таянган ҳолда миллий бирликни янада мустаҳкамлайди. Халқ бўлиб бирлаша олсак, ҳар қандай қийинчиликни енгиб, ҳам марраларга эриша оламиз. Биз биргаликда халқимиз орзуси ва меросини – адолатли ва кучли Қозоғистонни барпо этамиз. Барчангизга фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман! Бирлигимиз мустаҳкам, осмонимиз мусаффо бўлсин!» дейлади табрик матнида.



## БОШ МУҲАРРИР – «ШАПАҒАТ» МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган ҳамюртларимиз шарафланиб, кадрланадиган шонли сана. Кунин кеча мамлакат истиқболи, порлоқ келажаги учун жонбозлик кўрсатаётган халқимиз фарзандлари Давлат раҳбарининг қўлидан муносиб мукофотларини қабул қилиб олишганига гувоҳ бўлдик.

100дан зиёд ҳамюртларимиз «ҚХАнинг 30 йиллиги» юбилей медали билан тақдирланди. Бу жамиятимизда элпарвар, халқнинг эртаси учун борини аямайдиган жонкуяр инсонлар сафи кенгайиб бораётганидан далолатдир. Мамлакатимиз бўйлаб тарқатиладиган «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири, таниқли журналист Райимжон Алибоевнинг Давлат раҳбари қўлидан «Шапағат» медалини қабул қилиб олиши Қозоғистон медиа оламида ўзбекзабон нашримизнинг ўзига мавқеи ҳамда ўрни борлигини яна бир қарра исботлади.

Газетанинг директор-бош муҳаррири Райимжон Алибоевни кутлар эканмиз, нашримизнинг мавқеини янада юксалтиришида муваффақиятлар тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ.

## МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...



Мустақиллик йилларида Қозоғистонда ижтимоий давлатнинг мустаҳкам пойдевори барпо эттилдди. Қозоғистонликларнинг ҳаёт андазалари муттасил равишда юксалмоқда. Бинобарин, фуқароларимизнинг барқарорлик ва фаровонлик медаларидан нечоғлик самарали фойдаланишаётгани муайян масала бўлиб қолмоқда.



Президент Қасим-Жумарт Тоқаев «Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик» номили Мақтубида 2025 йилни «Ишчи касблари йили» деб эълон қилди. «Ушбу йил мобайнида техник ва касб-хунар таълими тизимини ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, биз ишчи иқтисодикларини тарғиб қилиш орқали жамиятда меҳнатқаш ва ҳақиқий мутахассис бўлиш гоёсини ташвиқот қиламиз. Адолатпарварлиги ва меҳнатсеварлиги билан муваффақиятга эришган одамлар ҳамиша ҳурматга сазовор, доим эътирофда бўлишлари керак. Бу биз тақдир қилган «Адолатпарвар фуқаро – адолатли меҳнат – адолатли даромад» тамойилига тўлиқ мос келади. Мухтасар қилиб айтганда, жамиятимизда меҳнатсеварлик ва касбга муҳаббат каби фазилатлар қадрланиши керак. Ўз касбини яхши ўзлаштирган мутахассислар миллат сифатини юксалтиради. Шунинг учун биз меҳнат одамнинг макomini юксалтирмаймиз. Бу йўналишдаги ишлар муттасил давом этади», деди у.

Қозоғистон учун иқтисодий ютуқлар билан ижтимоий фаровонликни таъминлаш ўртасидаги қулай мувозанатни топиш, ҳаётин талабдир. Ишчи касбларига ижтимоий-иқтисодий янгилашнинг энг долзарб вазифаси сифатида эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ҳар қандай меҳнат – қадрли. Асосийси, ҳар ким ўз масъулиятини чуқур англаб, ўз вазифасини сифатли бажариши керак. Шундагина юртимиз тараққиётнинг асл йўлидан боради.

Халқимизда: «Меҳнатдан келса бойлик – турмуш бўлар чиройлик» деган нақл бор. Ўз касбига ҳалол ва масъулиятли одам ҳамиша муносиб баҳосини олади. Давлат раҳбари бу тушунчани жамият онгига сингдириш кераклигини таъкидлади.

Ишга туширилмаган захираларимиз ва имкониятларимиз нимада? Ижтимоий сиёсат барқарор, бунёдкор бўлиши учун яна нималар қилмоқ керак? Биринчи навбатда имтиёз олаётган соҳаларни боқимандаликдан чиқариб, рақобатборарошлик даражасига олиб чиқиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига «балиқ эмас, қармоқ бериш» керак.

Бугунги кунда бутун жаҳон боқимандаликнинг ҳалокатли эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилди. У дунёнинг ривожланган мамлакатларида ялли ижтимоий мешчанликни туғдирди ва дунёвий тангликнинг бош сабабларидан бирига айланди. Ахир дунё тамаддунининг бутун қадриятлари, барча иқтисодий ва маданий бойликлар дабдабали молиявий идоралар томонидан эмас, балки инсон меҳнати билан бунёд этилади.

Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳани ислоҳ қилишнинг айрим йўналишлари бўйича Қозоғистон МДХ мамлакатларидан ўзиб кетди ва шерикларини анча орда қолдирди. Пенсия, банк, кредит-молия тизимлари, уй-жой, коммунал хўжалиги, қисман таълим ва соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда.)

## «БИРЛИК МАРАФОНИ»ДА

2000дан зиёд фуқаро иштирок этди

Туркистон шаҳрида «Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги» ва Қозоғистон халқининг бирдамлиги кунин муносабати билан «Бирлик марафони» уюштирилди.

Унда Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев, шаҳар аҳолиси, турли этнос вакиллари, жами 2000 нафардан зиёд ҳаваскор спортчилар иштирок этиб, ўз омадларини синаб кўришди. Марафоннинг умумий масофаси 6,2 қақиримни ташкил этди.

Тантанали тадбир якунида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев голибларга махсус диплом ва медалларни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Саудия Арабистони 29 апрелдан бошлаб Ҳаж мавсумида Макка ва Мадинага киришга чекловлар жорий қилди. Ушбу тақиқ 10 июнгача, яъни Ҳаж зиёрати туғатунга қадар давом этади, деб ёздади Report.

Энди муқаддас қадамжоларга фақат махсус Ҳаж визасига эга бўлганларгина кириши мумкин. Мамлакат Ички ишлар вазирлиги

## ҲАЖ ЗИЁРАТИ: ЖАРИМА 5300 ВА 26 000 АҚШ ДОЛЛАРИ!

**KAZINFORM.** Саудия Арабистони Ҳаж вақтида Маккага киришга янги чекловлар киритди

маълумотларига кўра, рухсатномасиз Ҳаж зиёратини адо этишга ёки бошқа турдаги виза билан Маккага киришга уринганлар 20 минг Саудия риёли (тахминан 5300 АҚШ доллари) миқдоридан жаримага тортилади.

Бундан ташқари, рухсат этилмаган зиёратчиларга ёрдам берган ёки уларга виза берганлар 100 000 риёл (26 000 АҚШ доллари)гача жаримага тортилади.

Маккага ноқонуний киришга уринган хорижликлар мамлакат

дан чиқариб юборилади ва 10 йилгача Саудия Арабистонига кириши тақиқланади. Ҳаж рухсатномасиз одамларни Маккага олиб кетаётган автомобиллар мусодара қилинади ва уларнинг эгалари жиноий жавобгарликка тортилади.

Туризм вазирлиги Ҳаж мавсумида Ҳаж рухсатномаси бўлмаган шахсларни Макка шаҳридаги меҳмонхона ва уй-жойларга жойлаштириш қатъян ман этилганини маълум қилди.

## Маънавиятнинг муаззам майдони

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори «Жанубий Қозоғистон» газетасига ҳам 2025 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бошланди.

Обуна ишларининг уюшқоқли ташкил этилиши газетанинг келгусида тўлақонли фаолият юртишига имкон беради. Демак, ҳар бир газетхон суюкли нашрига обуна бўлиш баробарида уни қўллаб-қувватлаган, эртанги кунига мустаҳкам пойдевор яратган, давлат миқёсида амалга оши-

рилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятдан тўлақон хабардор ҳамда муҳим воқеаларга хайрихоҳ эканлигини амалда намойиш этган бўлади. Шунга эришиш керакки, газетамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, нашр шинавандалари хонадонларига етиб борсин.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетамизга қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

2025 йилнинг иккинчи ярми учун «Жанубий Қозоғистон» газетасининг обуна баҳоси ўзгармади: 6 ойга обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲЖ орқали – 3415,50 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



ОБУНА-2025

## ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Қозоғистон Республикасининг  
давлат мукофотлари билан  
тақдирлаш тўғрисида  
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тинчлик, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳам-корликни мустақамлашдаги хизматлари учун:

«Парасат» ордени билан

**Кист Виктор Эдуардович** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, «Қозоғистон немисларининг “Возрождение” ҳамжамияти» жамоат жамғармасынинг президиум аъзоси;

**Кўзиев Зокиржон Пирмухаммад ўғли** – Парламент Сенати депутаты;

**Максимова Бахитжамал Шаханқизи** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, Павлодар вилояти Оналар кенгаши раисаси;

**Пуссеп Геннадий Николаевич** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси.

II даражали

«Достық» ордени билан

**Оборон-Туар Малгожат** – Қозоғистон халқи Ассамблеясининг дўстлик элчиси;

**Пап Александр Адальбертович** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси;

**Презент Григорий Михайлович** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси.

«Ел бірлігі» ордени билан

**Алиев Дўлқунтай Абдулхалил ўғли** – Республика уйғур маданият маркази раиси;

**Келигов Юсуф Ҳасан ўғли** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, Қозоғистон чечен ва ингушлари ҳамжамияти ҳамраиси.

**Киколенко Ольга Андреевна** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, Қозоғистон немисларининг “Возрождение” ҳамжамияти жамоат жамғармасы аъзоси;

**Тошпўлатов Бекпўлат** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси;

**Хўчиева Людмила Хисай қизи** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, «Қозоғистон қорачой-болқорларининг «Минги тау» миллий-маданий маркази» жамоат бирлашмаси раисаси;

**Шанай Назипа Идирис қизи** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, республика Оналар кенгаши раисаси;

**Шин Бронислав Сергеевич** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, Қозоғистон корейслари ҳамжамияти раиси муовини.

«Қўрмет» ордени билан

**Аҳмедов Байрамали Оғабек ўғли** – «Ахыска» турк этномаданият маркази аъзоси;

**Вартересян Эрнест Вардович** – Қозоғистон армянларининг «Масис» ҳамжамияти аъзоси;

**Дедерер Александр Федорович** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, «Қозоғистон немисларининг “Возрождение” ҳамжамияти» жамоат жамғармасы раиси;

**Жақип Қалқаман Ҳасенули** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, Қўстанай вилояти Оқсоқоллар кенгаши раиси;

**Туспекова Қуралай Айтқабилқизи** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси ижодий жамоалар ҳамжамияти раисаси;

**Цеховой Алексей Филиппович** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси фахрийси, Ахборотлаштириш халқаро академиясининг бош директори;

**Шек Юрий Анатольевич** – Ақтўбе вилояти ҚХА раиси ўринбосари.

«Шапағат» медаллари билан

**Алибев Райимжон Ортиқбой ўғли** – «Жанубий Қозоғистон» газетаси бош муҳаррири;

**Жинлир Гашчим Мухамедули** – Жамбил вилоятининг «Вынхуа» дунган маданият маркази аъзоси;

**Доценко Ольга Александровна** – Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси;

**Марабаева Анель Темирланқизи** – «Бірлік» дастасининг бадиий раҳбари;

**Маштаков Дмитрий Сергеевич** – Астана шаҳар ҳокимлигининг М. Горький номидаги Давлат академик рус драма театри актёри;

**Нугуманова Анастасия Юрьевна** – «Сөйле» қозоқ тилини ўрганиш клуби асосчиси;

**Смаилов Рамил Русланули** – Павлодар вилояти ҚХА раиси ўринбосари;

**Спирин Ольга Сергеевна** – «Speaking Club» қозоқ тилини ўрганиш клуби асосчиси;

**Суворов Дмитрий Александрович** – Қозоқ маданиятини оммалаштираётган Россия дипломати;

**Тен Владислав Валерьевич** – «Lingva Ten» тиллар маркази асосчиси;

**Хван Сергей Валериевич** – қозоқ ва инглиз онлайн-мактаби асосчиси;

**Цой Светлана Владимировна** – «DaraLace» ижодиёт уйи асосчиси;

**Юнусов Равиль Александрович** – Шарқий Қозоғистон вилоятидаги «Ассамблея жастары» ваколатхонаси раҳбари.

2. Мазкур Фармон имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ,  
Қозоғистон Республикаси Президенти.

## ДЕПУТАТЛАР ВИЛОЯТДА СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Туркистон вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов етакчилигидаги вилоят маслаҳати депутатлари минтақада барпо этилаётган қатор спорт иншоотлари билан танишишди.

Қурилиш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари А. Турханов халқ ноибларини спорт иншоотларининг ҳолати билан таништирди. Хусусан, депутатлар эшак эшиш канали, отчопар, кўп тармоқли спорт иншооти ва Б. Саттарханов номидаги спорт мажмуасини ораладилар.

Депутатлар ташриф якунларини Б. Саттарханов номидаги спорт мажмуасида сарҳисоб қилдилар.

Маслаҳат раиси Н. Абишов ва депутатлар спорт иншоотлари ташқи ва ички сайёҳликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидладилар. Бундан ташқари, мутасадди идоралар раҳбарларидан қурилиш ишларини ўз вақтида самарали якунлаш, тегишли ишларни ташкил этиш ва Б. Саттарханов номидаги спорт мажмуасида жойлашган залда ўринлар сонини кўпайтириш талаб қилинди.

Умуман, депутатлар бажарилган ишларни ижобий баҳоладилар.

Туркистон вилоят маслаҳати.



Вилоят маслаҳатининг 2025 йил иккинчи чорагидаги «Туркистон вилояти энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбарининг бошқарма зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи»га биноан, бугунги кунда депутатлар томонидан таҳлилий ишлар олиб борилмоқда.

Шу мақсадда вилоят маслаҳати раиси Н. Абишовнинг қарори билан махсус муваққат депутатлик комиссияси таркиби тасдиқланган эди.

Ушбу депутатлик комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилиб, унда энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Муваққат комиссия тадбирини тадбиркорлик, қурилиш, инфратузилмани ривожлантириш, ер муносабатлари ва табиатдан фойдаланишни созлаш бўйича доимий комиссия раиси С. Кўшенов олиб борди. Йиғилишда комиссия аъзолари: Н. Аширов, Ж. Агабеков, Ф. Қапалбаев, Н.

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ИШЧИ ГУРУҲИ ЭЪТИБОРИДА

Сейтжанов, Т. Қалмуратов, Қ. Нишанов, Т. Қаржауов ҳамда вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбари Т. Усубалиев иштирок этди.

Депутатлик гуруҳи аҳоли билан учрашувлар чоғида аниқланган ичимли сув, табиий газ ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, туман ва шаҳарларни ободонлаштириш, ёритиш масалалари юзасидан саволлар бериб, ушбу масалалар борасида тегишли муассасалар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказишни таклиф қилди.

Муваққат депутатлик гуруҳи май ойида туман ва шаҳарларда айрим масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказишни режалашмоқда. Кейинчалик комиссия хулосалар сессияда кўриб чиқилади.

Туркистон вилоят маслаҳати.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент Мактуби ижтимоий соҳадаги янгиланиш жараёнига янги суръат бағишлади. Бугунги кунда ижтимоий янгиланишнинг мақсад ва моҳияти жамиятни янги индустриал-инновацион иқтисодиёт шароитида яшашга тайёрлаш, Қозоғистоннинг жадал иқтисодий тараққиёти билан ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш ўртасидаги қулай мувозанатни топиш, ҳуқуқ ва адолат қоидаларига асосланган ижтимоий муносабатларни қарор топтиришдан иборат.

Ижтимоий янгиланиш бутун жамиятнинг, Қозоғистондаги ҳар бир оиланинг ва ҳар бир қозогистонликнинг ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришларга йўналтирилган пухта ёндашуви талаб қилади.

Ижтимоий янгиланиш давлат учунгина эмас, у ҳар бир аниқ фуқарога хизмат қилади.

«Ишчи касблари йили»ни ўтказиш бўйича Ҳукумат умумий режа ишлаб чиқди, у 70 босқичдан иборат 7та асосий йўналишни ўз ичига

## МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

олади. Минтақалар бўйича 20та дастур белгилади. Мутасадди вазирлик ва бошқармаларга ишчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш, иш берувчиларни ушбу тадбирларга жалб этиш каби вазифалар юкланди. Йил доирасида 12та йирик республика ва халқаро тадбирлар ташкил этилади. Улардан биринчиси февраль ойида пойтахтда ўтди. ЭКСПО кўргазмалар марказида «Ишчи касблари шаҳри» деб номланган фестиваль ташкил этилди. 5 кун давом этган тадбирда ишчи касблар салоҳияти ва келажак касблари ва инновацион технологиялар намойиш этилди.

«Самурық-Қазына» ҲҲнинг «Ишчи касблари йили» доирасидаги чора-тадбирлари ва истиқболдаги режалари ҳам таҳсинга сазовор. Унинг тасарруфидаги компаниялар гуруҳида 255

мингдан ортиқ киши меҳнат қилади, улардан 190 мингга яқини ишчи касблар вакиллари дидир. Ҳозирги кунда ҳам бу ерда 5000 мутахассисга талаб мавжуд. Шу боис таълим муассасалари билан шартномалар тузиш, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, ёш кадрлар малакасини ошириш дастурларини ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

«Самурық-Қазына» ҲҲ 2032 йилгача 46та йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Унинг доирасида жами 64 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. ҲҲ ишчи мутахассисларни тайёрлашда иштирок этишдан манфаатдор.

Таъкидлаш жоизки, айти пайтда мамлакатимизнинг электрон биржасида 72 мингдан зиёд бўш иш ўринлари мавжуд.

А. АБДУФАТТОҲ.

»»» Туркистон – ўтмиш ва келажак кўприги

Газетамизда аввал хабар қилинганидек вилоят «Улес» хайрия жамоат жамғармаси ҳамда Туркистон шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Кўчқоров ҳамда хотин-қизлар кенгаши раҳбари Нодира Юсупова ташаббуси билан илк бор ташкил этилган кувиди ёғ пишиш танловида вилоятимиздан 32 иштирокчи қатнашди.

Уч ярим литр эчки сутини кувиди пишиб, энг кўп – 569 грамм сифатли ёғ олишга эришган чипонлиқ Динора Абдураимова биринчи, 561 ва 541 грамм ёғ олган қорачиқлик Зўраҳон Неметова ҳамда Ханифа Бобохоновалар иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. Танловда Эски Иқондан Ойсултон Абдуқодирова, Янги Иқондан Зинаида Ахметова, Зарина Мирзахоннова каби обунда фаол ҳамюртларимиз яхши иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлишди. Қорачиқ қишлоғи УЭМБ раиси Мирзахон Адхамов ташкилотчи ва иштирокчиларга

## КЎЗАЮ ТЎҚМОҚ ҚЎЛИМДА...



омад тилаб, фотиҳа берди. Барча иштирокчиларга совғалар ва ташаккурномалар тақдим этилди. Биринчи ўрин соҳибаси Динора Абдураимовага эса Самарқанд шаҳрига уч кунлик саёҳат йўланмаси тақдим этилди.

Танлов ташкилотчиси ва бош хоним Райимжон Кўчқоров келажакда туркий халқлар муштарак маданиятларига оид шундай танловни вилоят миқёсида барча туман, шаҳарлар вакиллари иштирокида ташкил этишни режалашганини баён этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

## ҚОРАЧИҚ, ЧИПОН ВА ЮГНАК ҚИШЛОҚЛАРИ МАКТАБЛАРИДА

2025 йилнинг иккинчи ярмига обуна авжида. Қорачиқ қишлоғидаги Асадулла Убайдулла ўғли Қўшонов директор вазифасини вақтинча бажараётган "Қорачиқ" умумтаълим мактабида директор ўринбосари Малоҳат Қажумова, кутубхона мудираси Гавҳар Абсетова билан обуна ҳақида гаплашдик. Биринчи ярим йиллик кўрсаткичи давом этади.

Аҳмаджон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган "Турон" умумтаълим мактабида кутубхоначар Зибейдин Ёқубов, Мавжуда Маменовалар



ни Маншук Маметова номли умумтаълим мактабида кутубхоначи Феруза Абдумавленова билан бамаслаҳат ҳолда биринчи ярим йиллик кўрсаткичи давом этадиганлиги, Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги мавзусида мақола тайёрлаш ҳақида келишдик.

Югнак қишлоғидаги Шўлпан Ахметова раҳбарлик қилаётган А. Югнакий номли умумтаълим мактабида кутубхоначи Умида Эрмак кизи билан бамаслаҳат ҳолда обуна аввалги кўрсаткичда давом этадиганлиги, мактабни таъмирлаш, ободонлаштиришга оид таклифлар тахри-



рият томонидан депутатлар, ҳокимлик ва мутасадди ташкилотларга баён этилганлиги ҳақида суҳбатлашдик. Барча ўқув даргоҳлари раҳбарлари ва кутубхоначиларига тахририят ташаккурномалари тақдим этилди.



рият томонидан депутатлар, ҳокимлик ва мутасадди ташкилотларга баён этилганлиги ҳақида суҳбатлашдик.

Барча ўқув даргоҳлари раҳбарлари ва кутубхоначиларига тахририят ташаккурномалари тақдим этилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Қорачиқ мактабида; Турон мактабида; М. Маметова номли мактабда; А. Югнакий номли мактабда.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

## ИНТИМАҚ ҚИШЛОҒИДА МУШТАРИЙЛАРИМИЗ ҲАМЖИҲАТ

Интимақ қишлоқ ўЭМБ раиси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, нафақадаги устоз Абдуҳамид Умаров (тасвирда) обуна хусусидаги суҳбат чоғида ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

– Қишлоғимиздаги меҳнат фахрийлари ҳақида газета саҳифаларида доимий мақолалар эълон қилинмоқда. Яқинда Ўтрор туманидаги Амир Темур ёдгорлиги мажмуасини томоша қилдик. Ушбу тарихий қурилишни амалга оширишда "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси

тахририяти, хусусан, сенатор Алишер Сотволдиев, Райимжон Алибоев, Шомирза Мадалиевнинг ҳолис хизматларидан хурсанд бўлдик. Қишлоғимиз меҳнат фахрийлари ва шахсан ўзим кўп йиллар ёш авлодга таълим берган Мўлда Муса номли мактаб жамоасини обунага уюшқоқли жалб этаман ва 75 нусха "Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси обунасини ташкил этишни давом эттираман. Барча муштарийларга саломатлик, омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.



ҲУРМАТЛИ  
ЮРТДОШЛАР!



Сизларни 2025 йил 17 май куни соат 10.00да Қозоғистон ҳалқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан "Дўстлик дастурхони" доирасида ташкил этиладиган "Шимкент палови" фестивалига таклиф этамиз!

Манзил: Шимкент шаҳри, Сайрам даҳаси, "Наврўз" истироҳат боғи.  
Телефонлар: +7 700 262 7517; +7 702 872 8780; +7 775 151 7320; +7 705 823 2663.

Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси.

### "ШИМКЕНТ ПАЛОВИ" ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАБО!

Танлов 2025 йил 17 май куни Шимкент шаҳри, Сайрам даҳаси, «Наврўз» истироҳат боғида ўтади.

Танловда Республикаимиз вилоятлари ва туманларидан ҳамда қўшни давлатлардан ошпазлик маҳоратини намойиш этиш истагидаги (миллатидан қатъиназар) барча ошпазлар иштирок эта оладилар.

Ошпазлар 7 кг. гуручдан палов тайёрлашлари ва соат 11:00да ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишлари керак.

Эслатма!

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

- ошпазлар ошона либосларида бўлишлари лозим;
- иш анжомлари, қозон ва ўчоқларнинг ташқи кўриниши, сарамжон-сарийшталлиги ҳам назардан четда қолмаслиги керак;
- тайёрлаётган паловига муносиб ном қўйишлари шарт;
- палов тайёрлашга янгича ёндошмоғи ва безатилиши ҳам эътиборга олинади.
- ҳар бир лаган ошпазлик санъатининг ҳақиқий асари бўлмоғи лозим;
- паловнинг таъмига эса, албатта, алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, танловда иштирокчиларнинг хизмат кўрсатиш маҳорати ва тажрибасига ҳам эътибор қаратилади.



## ПЛАНОВАЯ И ЭКСТРЕННАЯ ПРОФИЛАКТИКА КОРИ

Корь, краснуха и паротит – серьезные инфекционные заболевания, которые вызываются вирусами. Болезни чрезвычайно заразны и передаются воздушно-капельным или контактным путем. Вакцинация от кори, краснухи и паротита входит в обязательный календарь вакцинации в Казахстане.

Первую прививку делают в 12 месяцев. Стойкая иммунная защита у 93% привитых. Повторную вакцинацию следует проводить через 6 лет. Однако в связи с неблагоприятной эпидемиологической обстановкой (вспышка кори) мы можем рекомендовать повторную вакцинацию уже с возраста 4 лет. Это не противоречит международным медицинским рекомендациям.

Взрослые в возрасте до 35 лет включительно (при наличии показаний до 55 лет и старше), не привитые ранее, не имеющие сведений о прививках против кори, не болевшие корью ранее вакцинируются в соответствии с инструкцией по применению двукратно с интервалом не менее 3-х месяцев между прививками.

Экстренная вакцинация против кори проводится детям в возрасте от 1 года до 18 лет включительно и взрослым в возрасте до 35 лет включительно (при наличии показаний до 55 лет и старше), не привитым ранее согласно национальному календарю профилактических прививок, не имеющим сведений о прививках против кори, не болевшими корью. Экстренную вакцинацию рекомендовано провести в течение 72 часов после контакта с больным. Иногда этот срок может быть увеличен по рекомендации врача.

Дильнара МАМАЕВА,  
врач-иммунолог ЦПСМП "Манкент"  
Сайрамской центральной больницы.

»» Дўстлик ришталари

## ҚАЛАМИ БИЛАН ҚАЛБИ УЙҒУН АДИБ ЭДИ



Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги таниқли ижодкор, машҳур сайёҳ Анвар Сайрамининг уй-музейига нафақат маҳаллий, шунингдек, хорижий давлатлардан ҳам кўплаб меҳмонлар келиб туришади. Яқинда ушбу кутлуғ масканга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист Янгибой Қўчқоров ташриф буюрди.

У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир, ҳамюртимиз раҳматли Мирпўлат Мирзонинг садоқатли шогирдларидан. Ташрифдан мақсад – устознинг оила аъзолари, яқинлари билан мулоқот қилиш эди.

Я. Қўчқоров музей билан танишиб, бир олам таассурот олганини яширмади. Хотира дафтарига самимий тилаклари изҳор этилган дастхат ёзиб қолдирди. Меҳмон Мирпўлат аканинг опаси Тошхоним ая билан суҳбатлашиб, шоирнинг аждодлари, оила аъзоларининг таржimai ҳоли билан қизиқди.

Маълум бўлишича, шоирнинг бобоси Додамат ота дурадгор-уста бўлиб, оилада беш ўғил ва бир қиз вояга етган экан. 1895 йили туғилган Мирза ота оилада энг кенжа фарзанд бўлиб, устачилик ва жувозашлик билан шуғулланган. У рафикаси Мاستонбиби Мадқосим кизи билан 14та фарзанд кўрган, лекин 5 нафаригина вояга етган.

Мирза отанинг ёғоч тиладиган устaxonаси бўлиб, Сайрамдаги жуда кўп уйлар қурилишига тахта етказиб берган. Шунингдек, унинг зигир мойи чиқариш ускунаси ҳам бўлган. Мاستонбиби ая оқила, пазанда аёл бўлган.

1937 йили таваллуд топган Бекпўлат ака савдо техникумида, сўнгра Москва шаҳридаги савдо институтида таҳсил олиб, узоқ йиллар ушбу соҳада меҳнат қилди. 1932 йили туғилган Тошпўлат ака Шимкент шаҳридаги ҳисобчилар билим юртини тамомлаган.

1946 йили туғилган Тошхоним ая Тошкент Давлат университетининг химия факультетида таҳсил олган. Қарийб 40 йил Ал Форобий номли мактабда меҳнат қилиб, нафақага чиқди. У Қозоғистон халқ маорифи аълочисидир.

Мирпўлат Мирзо 1949 йили 20 августда туғилган. У М. Маметова ва Ал Форобий номли мактабларда, сўнгра Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. Турли йилларда "Ёш гвардия", "Ёзувчи" нашриётларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, "Жаҳон адабиёти" журналида меҳнат қилди.

Кенжа фарзанди – Нурпўлат ака сурнай, аккордеон каби мусиқа асбобларини чалиб, қишлоқ Маданият уйида, "Гунча" халқ дастасида хизмат қилди. Эндиликда нафақа гаштини сурмоқда.

Дарҳақиқат, иқтидорли шоир ва таржимон, публицист, ўнлаб китоблар муаллифи, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг "Алаш", Россиянинг Б. Пастернак номидаги адабий мукофотлари совриндори Мирпўлат Мирзодек забардаст адиб билан нафақат Мирзаевлар сулоласи, шунингдек, биз – сайрамликлар ҳам фахрланамиз.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирда: табдирдан лавҳа.

## САХОВАТЛИ ҲОМИЙЛАР

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан ўтказилаётган «Тоза Қозоғистон» республика экологик акцияси доирасида «AMANAT» партиясининг Сайрам туман «Қорабулоқ» бошланғич партия ташкилоти раиси У. Боялиев, «SANIY» хайрия жамоат жамғармаси раиси О. Эркинов ҳамда «Саховатли аёллар» хайрия гуруҳи ташаббуси билан савобли ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, табдир доирасида 4-сонли мактаб-гимназия ўқитувчилари, вилоят ҚХА ёшлари ва ҳомийларнинг шафелигида мазкур қишлоқдаги М. Аҳмаров кўчасида 100 метр йўлак қурилиб, ариқлар тозаланди.

Акцияда қишлоқ аҳолиси фаол иштирок этди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

»» Ёднома

## Қаҳрамон она Ирислик Абдулла қизи

Эски Иқон қишлоғининг 90 ёшдаги муҳтарам онахони Ирислик Абдулла қизи (тасвирда) ўтган асрда жамоалаштириш, Улуғ Ватан уруши давридаги очарчилик, оғир даврларни бошидан кечирди. Умр йўлдоши пахтачилик, галлачилик бригадалари етакчиси сифатида меҳнат қилган уста деҳқон Сафо Мусо ўғли билан қобил фарзандлар – Тўраҳон, Ризо, Али, Амина, Жамила, Зулайхо, Фотима, Зухра, Карим, Хурсандбекларни тарбиялаб, вояга етказган пири бадавлат оила соҳибаси, давлатимиз таъсис этган "Қаҳрамон она" унвони соҳибаси, невараси, эвара, чеваралар даврасида эъзозли онахон эди.



Фонидан чин дунёга рихлат қилган онахоннинг фарзандлари, хусусан, обунада фаол Ал Форобий номли умумтаълим мактабининг тажрибали кутубхоначиси Жамила Арслоновага ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор қиламиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

